

ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СЧЁТЛАР РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНИШ
ТАРИХИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ортиқов Худайберган Азимбойевич -

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
“Молия бозори ва молия-банк тизимини ривожлантиришнинг
методологик муаммолари” сектори мудири, и.ф.н.*

Анотация. Чет мамлакатларда ва собиқ Иттифоқ даврида бухгалтерия ҳисобини Счётлар режасини шаклланиш тарихи, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни турли моделларида Счётлар режаси тузилиши тизимига доир назарий масалалар, ривожланган давлатлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида Счётлар режаси тузилиши ва фойдаланилишига доир меъёрлар, Ўзбекистонда Счётлар режасини яратилиши ва шаклланиш тарихи, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун яратилган Счётлар режасини олдинги авлодлари билан таққослаиб шаклланиш тарихи ва Ўзбекистон Республикасида Счётлар режасини такомиллаштириш йўллари кўриб ўтилган.

Калит сўзлар: БҲМС, МХҲС, счётлар, Счётлар режаси, ишчи Счётлар режаси, актив счётлар, пассив счётлар, транзит счётлар, актив-пассив счётлар, бухгалтерия ҳисоби моделлари, молиявий ҳисобот, молиявий натижалар, ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар, молиявий ижара, оператив ижара, инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПЛАН СЧЕТОВ
БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Ортиқов Худайберган Азимбойевич -

*Заведующий сектором «Методологические проблемы развития
финансового рынка и финансово-банковской системы»
научно-исследовательского центра «Научные основы и
проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ, к.э.н.*

Аннотация. История формирования плана счетов в зарубежных странах и в бывшем Советском Союзе, теоретические вопросы по системе плана счетов в различных моделях бухгалтерского учета и финансовой отчетности, нормы по структуре и использованию плана счетов в развитых странах, история формирования Плана счетов в Узбекистане, созданного для субъектов хозяйствования, в сравнении с предыдущими поколениями и пути совершенствования Плана счетов в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: НСБУ, МСФО, счета, План счетов, Рабочий план счетов, активные счета, пассивные счета, транзитные счета, активно-пассивные, модели бухгалтерского учета, финансовая отчетность, финансовые результаты, производственные расходы, расходы периода, финансовые расходы, налоги и другие обязательные платежи, налоги и сборы, финансовая аренда, операционная аренда, инвентарь и хозяйственные принадлежности.

HISTORY OF FORMATION AND WAYS OF IMPROVEMENT OF CHART
OF ACCOUNTS IN UZBEKISTAN

Ortikov Khudaybergan Azimbaevich -

*Head of Sector "Methodological Problems of Financial
Market and Financial and Banking System Development" in
Research Center of "Scientific Basis and Problems of Economic Development
of Uzbekistan" under the Tashkent State University of Economics , PhD*

Annotation. History of formation of the Chart of Accounts in foreign countries and in the former Soviet Union, theoretical issues on the system of chart of accounts in various models of accounting and financial reporting, norms on the structure and use of the Chart of Accounts in developed countries, history of Uzbekistan on formation of the Chart of Accounts, consideration of Chart of Accounts in the Republic of Uzbekistan created for business entities in comparison with previous generations and ways to improve the.

Keywords: NAS, IFRS, accounts, Chart of accounts, working chart of accounts, asset accounts, liabilities accounts, transit accounts, assets and liabilities accounts, accounting models, financial reporting, financial results, operating expenses, operating expenses, financial operating expenses, taxes and other mandatory payments, taxes and fees, finance lease, operating lease, inventory and agricultural equipment.

Кириш. Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини тўғри ташкил қилишда асосий воситалар, молиявий инвестициялар, товар-моддий захиралар, меҳнатга ҳақ тўлаш, де-

биторлик ва кредиторлик қарзлар, чет эл валюта-сидида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар, хусусий капитал, молиявий натижаларни шакллантириш ва ҳисобини юритиш, шунингдек,

ҳисоботларни сифатли ва шаффоф тайёрлашни, тақозо этади. Бу ўз навбатида Бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режасини тўғри қўллашни талаб этади.

Бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режаси, унинг тамойиллари ва қўллаш техникасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки бухгалтерия ҳисобига дахлдор бўлган бошқа ходимлар – аудиторлар, солиқ ва молия идоралари ходимлари ва бошқалар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу айниқса, барча ҳисоб тизимида, унинг алоҳида объектлари ва хўжалик операцияларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда муҳимдир.

Тадбиркорларни бозор иқтисодиёти талаблари ва механизмини тушуниб етиши, унда ишлаш малакасини ошиб бориши билан уларни бошқарув ахборотларига қизиқиши ортиб боради. Уларни мазкур ахборотлар билан таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизимини маълум даражада қайта қуриш керак. Хусусан, бошқарув ҳисоби учун алоҳида счётлар тизимини ташкил этиш имкониятини таъминлаш талаб этилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Бухгалтерия ҳисоби манфаатдор фойдаланувчиларга асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш учун корхона фаолиятининг натижалари тўғрисида ахборот йиғиш, унга ишлов бериш ва тақдим этиш воситаси ҳисобланади. Корхоналар молия хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, жамғариш ва унга ишлов беришни асосий воситаси бўлиб бухгалтерия ҳисобининг счётлари ҳисобланади. Чунки бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзувининг асосчиси ҳисобланган Лука Пачоли XV асрда қуйидагиларни тасодифан айтмаган: *«Счёт – бу самарали қўлланганда савдогар ўзининг барча ишлари тўғрисида ва улар муваффақиятли ёки ёмон бораётганлиги тўғрисида маълумот оладиган унинг ўзи томонидан ўрнатилган керакли тартибдан бошқа нарса эмас»*. Лука Пачоли ўзининг ишларида счётларни жонлантиришни таклиф этди, яъни ҳар бир счётни худди счёт инсоний қадр-қимматга эга каби ёритиб берган [12].

Бухгалтерия ҳисобининг тизимлаштирилган счётлари корхоналар молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режаси (*кейинги ўринларда - Счётлар режаси*) ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай бошқа категориялари каби Счётлар режаси давомий тарихига эга. Ҳозирги кундаги атамалар билан айтиладиган Счётлар режасининг асосчиси бўлиб Эдмонд Дегранж ҳисобланади. У томонидан 1775 йилда бухгалтерия ҳисобининг кўпгина синтетик счётларини бешта счётга жамлаб ягона счётлар режасини таклиф қилган. Булар «Касса», «Товарлар», «Олинадиган счётлар», «Тўланадиган счётлар» ва «Фойда» счётларидан

иборат бўлган. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, бешта счётдан иборат счётлар режаси катта бўлмаган корхоналар эҳтиёжини қондирган холос. Шунинг учун 1894 йилда бельгиялик А. Годафруа йирик саноат ва савдо корхоналари учун счётлар режасини тақдим этган [12].

Ҳисобнинг счётлар режасининг замонавий тизими тарихий шаклланган бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро моделлари доирасида бухгалтерия ҳисобининг услубиётини ривожланиб бориши таъсирида шаклланган. Замонавий иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисобининг моделларини таснифини бешта гуруҳга бўладигани кўп учрайди. Уларга англо-американо-голланд, континентал, жанубий америка, ислом, байналмилал моделлари киради [8].

Англо-американо-голланд моделини шаклланиши XX асрни бошларидаёқ бошланган. Мазкур моделнинг асосий тамойиллари Буюкбритания, АҚШ ва Голландияда ишлаб чиқилган. Ушбу модел учун бухгалтерия ҳисобини қаттиқ тартибга солиш хос эмас. Англо-американ ҳисоб тизимидаги мамлакатларда ягона Счётлар режаси мавжуд эмас. Бу мамлакатларни сони ўттизта атрофида (АҚШ, Буюкбритания, Австралия, Голландия, Ҳиндистон, ЖАР, Япония ва бошқалар) ҳисобланади. Фирмалар раҳбарияти ва уларнинг бухгалтерия ходимлари ўзлари учун анча қулай бўлган бухгалтерия ҳисобининг ишчи Счётлар режаси (счётлар рўйхати)ни мустақил равишда шакллантиради. Бундай ёндошиш услубий ечимларни танлашда бухгалтерларга катта мустақиллик беради, бироқ маълумотларни солиштиришни ва мутахассисларни бир фирмдан бошқасига ўтишини мураккаблаштиради. Шунга қарамасдан фирмаларда шаклланган Счётлар режаси миллий ва ҳалқаро профессионал ташкилотлар томонидан қабул қилинган бухгалтерия стандартлари талабларини акс эттиради.

Шундай қилиб, АҚШда Счётлар режаси фирмаларнинг тегишли тартиб рақамлари билан барча счётлари жамламасини ўзида намоён этади. Ҳар бир фирма ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўзига тегишли Счётлар режасини ишлаб чиқади. Ҳар бир счёт идентификацион тартиб рақамига эга. Счётнинг тартиб рақамини биринчи рақами счётни молиявий ҳисоботни асосий бўлимларидан бирига тегишли эканлигини билдиради. Қоидаларга кўра счётлар қуйидаги тартибда жойлашади: активлар, пасивлар, хусусий капитал, мулкдор томонидан олиб қўйишлар, даромадлар ва харажатлар. Масалан, актив счётлар 100 дан 199 гача, пасив счётлар 200 дан 299 гача, хусусий капитал ва мулкдор томонидан олиб қўйишлар счётлари 300 дан 399 гача, даромадлар счётлари 400 дан 499 гача, харажатлар счётлари 500 дан 599 гача бўлган тартиб рақамга эга бўлиши мумкин.

АҚШда счётларни ликвидлиги ортиб бориш тартибида тартибга солиш қабул қилинган. US GAAP (United States Generally Accepted Accounting Principles – АҚШда умумқабул қилинган ҳисоб тамойиллари) стандартларига мувофиқ тузилган баланс анча ликвидли бўлган актив – кассадан бошланади ва номоддий активлар билан тугайди.

Иқтисодиёти тартибга солинадиган ва банк тизими томонидан кучли таъсир қилинадиган мамлакатлар учун ёхуд ҳисоб ва ҳисобга қаттиқ талаблар ўрнатилган мамлакатлар (Германия, Франция Испания ва бошқалар) учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг континентал модели таълуқли ҳисобланади. Мазкур моделда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича асосий меъёрий ҳужжатлар давлат томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу модел учун бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан тартибга солиниши ўзига хос хусусият. Континентал ҳисоб тизимидаги мамлакатларда ягона Счётлар режаси мавжуд. Германия бундай моделнинг ёрқин намоёндаси ҳисобланади. Қабул қилинган қонунчиликга аниқ риоя қилишга йўналтирилган унинг эски аъёнлари ва унинг ўзига хос консерватизми ўзининг илдизи бўйича йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларига бориб тақалади. Мамлакатни иқтисодий ресурслари устидан умуммиллий назоратни амалга оширишни егиллаштириб берган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг шаклланган меъёрларини бир хиллиги ва аниқлигидан ўша даврдаги национал-социалистларнинг сиёсий тузуми ниҳоятда манфаатдор бўлишган. Марказлашган ҳукуматни немис бухгалтерия ҳисоби меъёр ва қонунларни шаклланишида бевосита иштирок этишни бундай эски аъёнлари немис бухгалтерия амалиётини ривожланишини иккита ўзига хос хусусияти мавжудлигини оқлайди. Бу - компаниялар иқтисодий фаолиятига фаол давлат аралашуви ва кучли шахсиятпарастликка қарши аъёнлари ҳисобланади.

Испания ҳам континентал моделни ўзига хос хусусиятларини ўзида намоён қилади. Бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги кунда ҳам кучга эга бўлган ўрта асрларда, яъни 1829 йилда тижорат кодекси амалга киритилган даврдан бошланган. Испанияда йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш қоидалари барча фирмалар учун мазжбурий, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш бўйича баҳолаш ва талабларни стандарт қоидалари мавжуд, барча фирмалар учун молиявий ҳисоботларни ягона модели қабул қилинган.

Франциянинг замонавий Умумий счётлар режаси (Plan Comptable General - PCG) ўзида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қоидалари жамланмасини намоён қилади. Унинг асосий вазифаси ҳам стандартлаштиришга олиб келади. У

жуда деталлизация эга ва таснифлашнинг ўнтак тизими бўйича тузилган бухгалтерия ҳисобининг ишчи Счётлар режаси (счётлар рўйхати) ни ўз ичига олган. Асосий счётларнинг тартиб рақами иккита рақамдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси синфни, иккинчиси счётнинг тегишли синфдаги тартиб рақамини билдиради. Биринчи тартибдаги субсчётлар тартиб рақами тўртта рақамдан билан, иккинчи тартибдагиси – тўртта, аналитики счётлар – бешта ва ундан катта сонли рақамлар билан белгиланади.

Француз ташкилотлари учун ҳисоботларни тузиш қоидалари шундай ишлаб чиқилганки, унга асосан давлат томонидан иқтисодиётни назорат қилиш воситаси бўлган миллий счётлар тизими учун бирламчи ахборотлар шакллантирилади[9]. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларни ривожланиб бориши билан молиявий ҳисоботларни стандартлаш заруррати юзага келди. Ҳалқаро даражада бу Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлари билан амалга оширилади. Стандартлашнинг бундай тури бухгалтерия ҳисобини юритишнинг байналмилал моделини ўзида намоён этади. Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлари бухгалтерия ҳисоби, счётлар режаси ва бошқа шунга ўхшаган тушунчаларга таянмайди. Ҳар бир ташкилот ўзи учун Счётлар режасини ўзи тузади. Бунда асосан у умумқабул қилинган тамойиллар талабини қондириши керак.

Бухгалтерия ҳисоби тизими шаклланган барча мамлакатлар учун стандартларни харёқлама мос келадиган қилиш бўйича ижобий томон ҳисобланади. Бироқ, бунда техник характерга эга бўлган ноқулайликлар ҳам мавжуд. Хусусан, Молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартлари бўйича ўқув қўлланмаларида счётларни намунавий боғланишлари мавжуд эмас. Уларда бухгалтерия ёзувлари «сўзларда» шаклланади: «Таннарх» счётининг дебети - «Захиралар» счётининг кредити. Лекин ҳужалик фаолиятининг барча фактларини ҳам бундай усулда тушунарли ва бир хил маънода баён этиш мумкин эмас ва таълим олаётганларда у ёки бу операцияларни «стандарлаштирилган» молиявий ҳисоботлар моддаларига таъсирини аниқлашда қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлгани каби бизнинг мамлакатимизда ҳам Счётлар режаси ўзининг шаклланиш ва такомиллашиш тарихига эга. Счётлар режаси бу ҳисобга олиш фаолиятини бухгалтерия ҳисобини ривожланиш жараёнида кўпгина ўзгаришларга дучор бўладиган соҳаси ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобини ривожланиш жараёнлари ҳам ўз навбатида бошқариш усулидаги, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги, молия-кредит тизимидаги ўзгаришларга боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби-

нинг Сётлар режаси тузилишини тамойиллар ва услубий нуқтаи назардан тушиниб олиш учун унинг шаклланиши ва такомиллашиши қандай юз берганлигини билиш керак.

Белгилаб олинган муаммони тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқиш Счётлар режаси бўйича олдинги тажрибани инobatга олиш ва баҳолаш, ривожланишдаги камчиликлар ва ютуқларни қайта таҳлил қилиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасида Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқноманинг шаклланиши тарихига эътиборни қаратамиз.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши жараёнида иқтисодий жараёнларни ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. СССРда (Ўзбекистон ССР унинг таркибига кирган) режалаштириладиган иқтисодиёт шароитда мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими мулкчиликнинг жамоатчилик шакли ва иқтисодиётни давлат бошқаруви эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Бухгалтерия ҳисоби тизимида шаклланган ахборотлардан асосий фойдаланувчи сифатида давлат номидан тармоқ вазирликлари ва идораларихамда режалаштирувчи, статистик ва молия идоралари намоён бўлган. Амалда бўлган давлат молия назорати тизими ташкилотларни хўжалик юритишини белгилаб қўйилган моделдан четга чиқишларни аниқлаш вазифасини бажарган.

1986 йилдан кейин СССР да иқтисодиётни бошқаришда, хўжалик юритишда янги усуллари тадбиқ этиш ва ўзлаштиришда чуқур ўзгаришлар юз берган. 1987 йилдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолиятда, жумладан чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар тузиш йўли билан чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасида ислохотлар бошланган. Иқтисодиётни барча соҳаларини қайта қуриш билан бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш долзарб масала сифатида юзага келган ва мазкур йўналишда янги счётлар режасига ўтиш илк қадамлардан бири бўлган.

Ўша даврда амалда бўлган СССР Молия вазирлигининг 1985 йил 28 мартдаги 40-сонли буйруғи билан тасдиқланган Счётлар режасини қўшма корхоналар иштирокчиларининг ахборот талабларига мослаштириш мақсадида мақсадли гуруҳ тузилган. Шунингдек мазкур гуруҳ зиммасига замонавий талабларга жавоб берадиган корхона ва ташкилотлар Счётлар режасини янги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юкланган эди.

Сётлар режаси БМТнинг трансмиллий корпорациялари экспертлари иштирокида иш-

лаб чиқилган. Ҳалқаро ташкилотларнинг мутахассислари мамлакатда мавжуд ҳисобни ҳалқаро қоидаларга мувофиқлаштириш мақсадида счётлар режаси ва бухгалтерия ҳисобини янги услубиётини ишлаб чиқиш учун жалб қилинган эди. Амалга оширилган ишлар натижаларига асосланган ҳолда СССР Молия вазирлигининг 1991 йил 1 ноябрдаги 56-сонли буйруғи билан **«Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобининг Сётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»** тасдиқланган ва уларни 1992 йил 1 январдан амалга кириштишни тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасида биринчи **«Корхоналар молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобининг Сётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» 1993 йил 1 январдан** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1992 йил 13 августдаги 08-03-21/377-сонли хати мувофиқ амалга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ягона услубий асосини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли **«Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби счётлари тизимини такомиллаштириш ҳақида»** даги қарори билан **«Корхоналар ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси»** тасдиқланган ва **1994 йил 1 январдан** кучга киритилган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинишига қарамасдан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни амалдаги тизимини ҳалқаро амалиётдан салмоқли фарқ сақлаиб қолган. Бу Ўзбекистонни ташқи иқтисодий муносабатларни тўлақонли ривожлантиришида, уни ҳалқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувида жиддий қийинчиликларни юзага келтирган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимларини жиддий қайта қуришни ва уларни ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб қилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимларини тубдан ислоҳ қилиш ва замонавийлаштириш бўйича вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли қарори билан **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисобга олиш ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури»** тасдиқланган. Дастурда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилишни асосий мақсадларидан бири сифатида халқаро стандартларга жавоб бера оладиган «Сётлар режаси»ни ишлаб чиқиш ва

уни корхона ва ташкилотлар фаолиятига жорий қилиш назарда тутилган. «Счётлар режаси» нинг тузилиши ва мазмуни:

- асосий ва айланма фондлар, моддий активлар, корхонанинг узоқ муддатли қўйилмалари ва захиралари мавжудлиги ҳаракати тўғрисида умумлаштирувчи таъриф бериши;

- корхонанинг устав фаолиятини ва ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни амалга оширишга дахлдор сарф-харажатлари тўғрисидаги умумлашган тарздаги ахборотни тўплаши;

- мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларда, қийматли қоғозларда турган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаракатини акс эттириши;

- корхона фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш ва фойдаланиш ҳамда хўжалик фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун ташқаридан олинган маблағлар (банк кредитлари, мақсадли тадбирларни маблағ билан таъминлашга мўлжалланган бошқа маблағлар) нинг ҳолати ва бошқалар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириши керак бўлган.

Бунда молиявий-хўжалик фаолият натижаларини комплекс баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида бир хил далилларни акс эттиришга ягона ёндашув Ўзбекистон Республикасининг молиявий аҳволини баҳолаш имконини берадиган муфассал кўрсаткичлар тизимини яратиш учун шароитни таъминлаши керак бўлган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ва мазкур Дастурни бажариш бўйича, шунингдек банк фаолиятини ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда амалда бўлган **«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси»** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1999 йил 22 майда 290-сон (10/4-баённома) билан тасдиқланган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 июлда 773-сон билан рўйхатга олинган*).

1995 йил 27 январда «Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»ни қабул қилинганлиги муносабати билан Счётлар режасига бир қатор янги счётлар киритилган 26 «Умумхўжалик харажатлари» сётининг ўрнига 26 «Давр харажатлари» сётти тўртта субсётлари (26/1 «Сотиш харажатлари» (савдо ташкилотлари учун 26/1 «Муомила харажатлари»), 26/2 «Маъмурий харажатлар», 26/3 «Бошқа умумхўжалик ва операцион харажат-

лар», 26/4 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари») билан, 35 «Маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар» сётти тегишли субсётлари билан киритилган. Бунда 35 «Маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар» сётда қолдиқ қолмаган, ҳисобга олинган харажатлар тўлиқ калькуляция сётларига ўтказилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (иш ва хизмат) лар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, шунингдек мазкур маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини меъёрий (режа) таннархидан четга чиқишларини аниқлаш учун мўлжалланган 37 «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш» сётти ҳам қўшимча равишда киритилган. Бироқ юқорида қайд этиб ўтилган сётларни киритилиши бухгалтерлар ишида маълум бир ноқулайликларни юзага келтирган. Чунки мазкур сётлар бажарадиган вазифалари бўйича 20 «Асосий ишлаб чиқариш» сётти, 23 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» сётти, 25 «Умумиш-лабчиқариш харажатлари» сётти, 23 «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» сётлар билан бир-бирини такрорлар эди.

1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ва 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини (*1998 йил 1 январдан кучга киритилган*) қабул қилиниши билан даромад ва харажатларни тан олиш ҳисоблаш тамойилига мувофиқ амалга ошириладиган бўлди. Бунга асосан активлар, пасивлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва ходисалари бухгалтерия ҳисобида, улар учун пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари олинган ёки тўланган вақтда эмас, балки улар амалга оширилган (ёки ҳақиқатда олинган) вақтда акс эттирилади. Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобининг Сётлар режасидаги касса усули бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишидан даромадларни акс эттириш учун мўлжалланган 45 «Юклар жўнатилган товарлар» сётти бекор қилинган.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси.

Бозор муносабатларини ривожланиши ва чуқурлашиши корхоналар фаолияти тўғрисидаги молиявий ахборотларни шаклланиш жараёнига янада янги талабларни қўйди. Манфаатдор фойдаланувчилар нуқтаи назардан қараганда корхонанинг молиявий ҳолати, ундаги ўзгаришлар ва фаолиятнинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларни ишончлиги ва объективлигида ифодаланадиган бухгалтерия ҳисобининг натижавий ахборотларини фойдалилигини таъминлаш муаммоси мутахассислар эътибор марказида бўлган. Бироқ, шу муносабат билан юзага келадиган янги вазифаларни ечиш учун ҳисобга олиш воситалари ёрдамида

ахборотларни жамғариш ва қайта ишлашни тизимлаш тартибини рационализация қилиш, яъни тадбиркорлик субъектларини хўжалик фаолияти фактларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш жараёнини такомиллаштиришни талаб этилади.

Корхоналарни молиявий натижалари (фойда ёки зарарлар)ни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби бундай омиллар тасирига ёрқин мисол бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган Счётлари режасида назарда тутилган молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби акциядорлар ва бошқа инвесторларга фойдали молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тизимли равишда шаклланишини таъминламаган. Хусусан, олдинги Счётлари режаси қодалари бўйича ҳисобланган фойда ва зарарлар счётларининг қолдиқлари ҳисобот даври соф фойдаси миқдорини ҳам, тақсимланмаган фойда миқдорини ҳам тавсифламайди. Моҳиятан, бу қолдиқ фақат оралик кўрсаткични ҳисобланади. Акциядорларни тақсимланадиган фойданинг ҳақиқий суммаси тўғрисидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун кўп сонли тузатишларни амалга ошириш талаб этилар эди.

Янги хўжалик юритиш механизмини унсурлари (элементлари)ни ривожланиши билан бухгалтерия ҳисобининг кўпгина объектлари тўғрисидаги тасаввур сезиларли даражада ўзгаради. Бу бухгалтерия ҳисобининг бир қатор қоида ва услубларини қайта кўриб чиқишга олиб келди. Уларда активлар ва мажбуриятларни баҳолаш ҳамда уларни таснифлашни янги усуллари назарда тутилган. Қонунчилик амалиётини такомиллашиши ва мустахкамланиши (барқарорлашуви) билан ҳисобга олишни хар хил объектларини тавсифлари аниқлашиб боради. Бу ўз навбатида Счётлар режасида синтетик ва аналитик нуқтаи назарни таркиби ва мазмунини, шунингдек счётларда ёзувларни амалга ошириш тартибини ўзгартириш лозимлигини тақазо этади. Бу ерда гап, масалан, мол мулкни ишончли бошқариш, биргаликдаги фаолият, ижара, бир гуруҳга кириувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш услубиёти тўғрисида бормоқда.

Юқорида қайд этилган шароитда ва БҲМСларни қабул қилиниши билан амалдаги Счётлар режасини такомиллаштириш йўли билан қайта кўриб чиқиш ҳамда жаҳон амалиёти ва бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари талабларига мувофиқ келадиган янги Счётлар режасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Олдинги Счётлар режасини қайта кўриб чиқиш бўйича асосий ёндошувлар уни ама-

лиётда қўлланишини таҳлил қилиш натижасида юзага келган бўлиб янги Счётлар режасида амалга оширилган кўпгина вазифалар тадбиркорлик мухитини янги хўжалик фаолияти эҳтиёжларини анча қисмини қаноатлантирган ва уни тузишда қуйидаги ёндошувлар асос қилиб олинган:

- бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган молиявий ахборотларни мазмунини Счётлар режасини тузилишидан мустақиллиги (боғлиқ бўлмаслиги);

- корхоналарга бухгалтерия ҳисобининг умумий услубий тамойилларига риоя қилган ҳолда ўзларининг ишчи Счётлар режасини мустақил равишда тузиш имконини таъминлаш;

- Счётлар режаси билан ишлашда амалий қулайлик;

- Счётлар режасини тузилишини кетамакетлиги.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳалқаро ташкилотларнинг мутахассислари («Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти», «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш» ва бошқа лойиҳалар) билан ҳамкорликда 1999-2000 йиллар мобайнида ҳалқаро талабларга жавоб берадиган янги Счётлар режасини ишлаб чиқиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Янги Счётлар режасига янада силлиқ ўтишини таъминлаш мақсадида ва кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида чоп этилган. Муҳокама натижалари бўйича кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда янги Счётлар режаси қўшимча ишланган ва уни қўлланилиши бўйича Йўриқнома ишлаб чиқилган.

Янги Счётлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 30 мартдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 1 июнда 930-сон билан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» сифатида рўйхатдан ўтказилиб, 2002 йилнинг 1 январидан қучга киритилиши назарда тутилган.

Янги Счётлар режасини амалиётга самарали жорий этиш мақсадида ўқитиш бўйича «Бухгалтерия ҳисобининг янги Счётлар режаси ва БҲМСларни амалиётда қўллаш» дастури («Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти», «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш» ва бошқа лойиҳалар амалга ошириш доирасида) ташкил этилган. Мазкур дастур доирасида Республика миқёсида йирик саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо корхоналар бош бухгалтерлари ўқитилган ҳамда корхона ва ташкилотлар-

да янги Счётлар режаси конверсия (амалдаги Счётлар режасига асосланган бухгалтерия ҳисоби тизимини ўтказиш) амалга оширилган.

Янги Счётлар режасининг асосий вазифаси бўлиб бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимини, раҳбарият томонидан муҳим қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган молиявий ҳисоботни корхоналар томонидан янги ҳисоб негизида тайёрлайдиган тарзда янада мукамаллаштиришга имкон яратишдан иборат деб ҳисобланган.

Амалда бўлган (эски) Счётлар режасида ахборотлар бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётларида умумлаштирилган кўринишда ва етарли бўлмаган (талабга жавоб бермаган) ҳажмда акс этирилган эди. Ушбу ахборот тақчиллиги бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлиши натижасида келиб чиқди, яъни амалда бўлган (эски) Счётлар режасида зарур ахборотлар тўпланиши мумкин бўлган счётлар назарда тутилмаган эди. Буларнинг барчаси корхонанинг молиявий маблағларини самарали бошқариш ва унинг молиявий фаолиятини янада ишончли баҳолашни амалга оширишни қийинлаштирар эди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида янги Счётлар режасида қуйидагилар назарда тутилган: дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзларга ажратилган; вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғини, кечиктирилган даромадлар ва харажатларни, кечиктирилган мажбуриятлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи алоҳида счётлар жорий этилган; асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларга қўшимча счётлар очилган ва ҳоказо.

Буларнинг барчаси корхоналарнинг бошқариш тизими ва ахборотлардан ташқи фойдаланувчиларни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маълумотларни шундай тафсилотлари билан аниқлаштириш зарурияти билан боғлиқ равишда ҳисобни тузилишига муайян таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги Счётлар режасини тузилиши молиявий ҳисоботларни асосий шакллари саналган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда ахборотларни акс этириш тузилишига мос келади. Шу билан бирга олдинги Счётлар режасини тузилишини юқорида келтирилган талабларга мос келтирилган ҳолда ўзгартиришга қарор қилинган эди. Бунда молиялаштириш манбаалари ва корхона фаолиятини молиявий натижаларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлимларда анча кўп ўзгаришлар бўлган. IX-бўлим «Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши»нинг счётлар гуруҳи корхонанинг даромадлар ва харажатлар, шунингдек унинг якуний молиявий натижалари тўғри-

сидаги ахборотларни тизимлаш учун алоҳида чиқарилган. Шу билан 1-8 бўлимлар асосан бухгалтерия баланси счётларини қамраб олади, IX бўлим эса асосан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл) билан боғлиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захиралари ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш товар-моддий захиралар таркибида амалга оширилиши муносабат билан Счётлар режасини II-бўлим «Ишлаб чиқариш захиралари» ва III-бўлим «Ишлаб чиқариш харажатлари» бирлаштирилган ва бухгалтерия ҳисобининг янги Счётлар режасида II-бўлим «Товар-моддий захиралари» деб номланиб, келгуси давр харажатлари эса алоҳида III-бўлим «Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар - жорий қисми» қилиб ажратиб чиқарилган.

Янги Счётлар режасида IV-бўлим «Тайёр маҳсулот, товарлар ва реализация» ва VII-бўлим «Молиявий натижалар ва фойдани ишлатилиши» чиқариб ташланиб, маҳсулот (товар, хизмат)лар ва бошқа активлар реализацияси (сотиш)ни ҳисобга олувчи счётлар, якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар IX-бўлим «Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши» га, тайёр маҳсулот ва товарларни ҳисобга олувчи счётлар II-бўлим «Товар-моддий захиралари»га қўшилган. IX-қисм «Кредитлар ва молиялаштириш» ҳам чиқариб ташланиб, қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар VI-бўлим «Жорий мажбуриятлар» га, узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар VII-бўлим «Узоқ муддатли мажбуриятлар» га, мақсадли молиялаштиришни ҳисобга олувчи счётлар VIII-бўлим «Капитал, фойда ва захиралар»га ўтказилган. Шу билан бирга VI-бўлим «Жорий мажбуриятлар» да узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни жорий қисминини ҳисобга олувчи счёт киритилган.

Корхонанинг хар хил юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги ҳисоблашишлар тўғрисидаги, шунингдек хўжалик ичидаги ҳисоблашишилар тўғрисидаги ахборотлар VI-бўлим «Ҳисоб-китоблар»нинг счётларида умумлаштирилган. Шу ерда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилган. Хаттоки бир нечта счётларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотлар акс этирилган. Юқорида қайд этилган счётлар олдинги Счётлар режасида актив-пассив счётлар туркумига кирган. Бу ерда бир вақтни ўзида бир счётнинг дебети ва кредити бўйича қолдиқ қолиши ҳамда акс этирилиши мумкин бўлган. Мазкур счётлар янги Счётлар режасида фойдаланилмайди. Харидорлар ва буюртмасилар бўйича дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш алоҳида «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» актив

счётида, улардан олинган бўнақлар эса алоҳида олинган бўнақларни ҳисобга олувчи пассив счётларда акс эттирилади. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш билан ҳам шунга ўхшаш ҳолат юзага келади. Бу ерда улардан бўлган қарз алоҳида «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» пассив счётида, уларга берилган бўнақлар эса алоҳида берилган бўнақларни ҳисобга олувчи актив счётларда акс эттирилади.

Янги Счётлар режасида харидорлар ва буюртмачилар, алоҳида бўлинмалар, шўъба ва қарам корхоналар дебиторлик қарзларини, хар хил юридик ва жисмоний шахсларга берилган бўнақлар, ходимларни, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар қарзини жорий қисми IV-бўлим «Олинадиган счётлар – жорий қисм» счётларида, узоқ муддатли қисми эса 0910 «Олинган векселлар», 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар», 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счётларида акс эттирилади.

Корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни ҳисобга олиш VI-бўлим «Жорий мажбуриятлар» счётларида, узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни эса VII-бўлим «Узоқ муддатли мажбуриятлар» счётларида амалга оширилади.

Янги Счётлар режасининг хусусиятларидан бири бўлиб корхоналар унинг асосида хўжалик операцияларини ишчи Счётлар режасини тузиши ва уларнинг ҳисоб сиёсатида акс этиши керак эканлиги ҳисобланади.

Корхоналар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда бир вақтни ўзида мазкур ҳужжатга илова шаклида ишчи Счётлар режасини ва бошқа зарур иловаларни (бошланғич ҳисоб олиш ҳужжатлари, ҳужжат айланиш қоидалари, инвентаризация ўтказиш тартиби ва бошқаларни) ҳам тасдиқлайдилар. Ишчи Счётлар режаси синтетик ва аналитик ҳисобга олишни юритиш учун зарур бўлган корхонади қўлландиган счётларни ўз ичига олиши керак.

Алоҳида активлар, мажбуриятлар, хўжалик операциялар ва бошқаларни бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари, қоидалари ва услублари, шу жумладан уларни тан олиш, баҳолаш ва гуруҳлаш БҲМСлар, низомлар ва бухгалтерия ҳисоби масалалари бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқномасида хар бир счётга тавсиф берилгандан кейин уни бошқа счётлар боғланиши намунавий шакли келтирилган. Бошқача қилиб айтганда унда анча кенг тарқалган ҳолатларни акс эттириш тартиби келтириб ўтилган. Намунавий шаклда счётларни боғланиши назарда тутил-

маган хўжалик фаолияти факти юзага келган ҳолларда корхона Счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқномада белгиланган ягона ёндошувларга амалга қилиб, яъни счётларни белгиланган мақсадига ва уларда умумлаштириладиган ахборотларни иқтисодий мазмуни мувофиқ улардан фойдаланиб уни тўлдириши мумкин.

Аналитик ҳисобга олишни юритиш тартиби корхона томонидан Счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқнома, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, низомлари ва бухгалтерия ҳисоби масалалари (асосий воситалар, товар-моддий захиралар ва бошқалар) бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар келиб чиқиб ўрнатилади.

Қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «*Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома*» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган) янги таҳрирда тасдиқланди.

Счётлар режасининг 2000 йилдаги таҳририда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари янги Счётлар режасига **2002 йил 1 январдан** бошлаб ўтиши назарда тутилган эди. Шу сабабли янги таҳрирдаги 21-сон БҲМС хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари учун **2002 йил 2 ноябрдан** кучга кирган. **2003 йил 1 январдан** бошлаб уларга биржалар қўшилган, суғурта ташкилотлари ва банклардан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа корхоналар эса **2004 йил 1 январдан** ўтишди.

Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишни янги услубиёти шаклланиши муносабати билан Счётлар режасини қайта кўриб чиқишда кўпгина ўзгаришлар молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётларга ҳам тегишли бўлган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Счётлар режасини қайта кўриб чиқилган варианты операцияларни счётларда акс эттиришни айрим жиҳатларини аниқлаштиради ва уни Бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартлари талабларига, хусусан товар-моддий захиралар, олинадиган счётлар, мажбуриятлар, хусусий капиталва молиявий натижаларни ҳисобга олиш соҳаларини яқинлаштиради.

Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқномани қайта кўриб чиқилган вариантини олдин амалда бўлган Счётлар режаси ва уни қўл-

лаш бўйича Йўриқномаси билан таққослаганда қуйида келтирилган асосий ўзгартиришлар амалга оширилган.

Гудвиллни амортизациясини алоҳида счётада акс эттириш бекор қилиниши муносабати билан Счетлар режасида 0540 «Гудвиллни эскириши» счёти ҳам бекор қилинган ва гудвиллни қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзув киритилган: 0480 «Гудвилл» счёти харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Корхонани харид қилишда гудвилл юзага келиши эса дебет 0480 «Гудвилл» счёти – кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти бухгалтерия ёзуви билан кўрсатилган.

Кейинчалик капитализация қилинадиган, асосий воситаларни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш учун 0850 «Ёрни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» ва 0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётлари киритилган.

Корхона ходимларини кредитга сотилган товарлар учун, берилган қарз (займ) лар бўйича, ходимларнинг корхонага пул маблағлари, товар-моддий қийматликлари ва бошқа активларни камомоди ва ўғирланиши натижасида етказилган моддий зарарларнинг қопланиши, шунингдек бошқа турдаги зарарларнинг қопланиши бўйича қарздорликларни узоқ муддатли қисмини ҳисобга олиш мақсадида 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счёти ҳам киритилган.

Счётлар режасида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни (1200) ва уларни эскиришини (1300) ҳисобга олувчи счётлар ҳам чиқариб ташланган. Илгари 1200 ва 1300 счётларда ҳисобга олинган активлар ва улар бўйича ҳисобланган эскириш эндиликда ҳам кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (илгари улар шундай номланган) кўринишидаги актив сифатида 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида ҳисобга олинади. Илгари амалда бўлган 1310 «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» счёти эса бекор қилинган. Ўз навбатида, инвентар ва хўжалик жиҳозларини товар-моддий захиралар таркибига қўшилиши бўйича мезонлар ҳам биринчи марта шу ерда киритилган. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қиймати фойдаланишга берилган вақтда улардан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига тўлиқ қўшилади. Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик уларнинг ҳисоби балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётида цех, омбор ва алоҳида фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Корхонанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, иш баджариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш мақсадида 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти киритилган.

Товарлар сотиш нархи бўйича ҳисобга олинган ҳолларда чакана савдо ва умумовқатланиш корхоналаридаги товарлар бўйича савдо устамаси (чегирма)ни ҳисобга олиш учун 2980 «Савдо устамаси» счёти келтирилган.

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш натижаларини, яъни уларни баҳосини пасайишини 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти орқали, баҳосини ўсишини 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти орқали акс эттириш тавсия этилган. Товар-моддий захиралар сотилиши (чиқиб кетиши) билан баҳосини ўсиши ёки баҳосини пасайиши суммаси молиявий натиджаларга ҳисобдан чиқарилади.

Қийматликларни табиий йўқотиш меъёри доирасида ёки меъёрдан ортиқ камомадини, қийматликларни бузилиши ва ўғирланишининг аниқ айбдорлари аниқлангангунга қадар ҳисобга олишни тартибга солиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг Счетлар режасида 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти киритилган. Камомад ва йўқотишлар қиймати 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг дебитида товар-моддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар ҳамда асосий воситалар ва бошқа активларни чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг кредитида моддий қийматликларни аниқланган ва ҳисобга олинган камомоди ва йўқотишларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилади.

Корхонанинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган даромадларни ҳисобга олиш 9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромади» счётида амалга оширилади. Буларга корхона балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият ва спорт объектларидан олинган даромадлар киради.

Счётлар режасининг олдинги таҳририда мақсадли йўналтирилган (масалан грантлар, субсидиялар, дотациялар ва бошқалар кўринишидаги) олинган маблағларни ҳисобга олиш бўйича иккита алоҳида счётлар: 7710 «Қайтарилиши лозим бўлган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счёти ва 8810 «Грантлар ва субсидиялар (капитал)» счёти мавжуд бўлган. Бироқ, кейинчалик мақсадли ишлатиш учун олинган маблағлар корхона томонидан тўланишини талаб қиладиган ҳақиқатда реал мажбуриятларни юзага келишига олиб келмаслигини ва ўз навба-

тида мазкур маблағларни ишлатилиши хусусий капитални камайишига олиб келмаслигидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобининг Счетлар режасини янги таҳририда юқорида қайд этиб ўтилган иккита счёти VIII бўлим «Капитал, фойда ва захиралар» га кириувчи битта гуруҳ мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар гуруҳига бирлаштирилган. Бунда мазкур счётлар гуруҳи 8810 «Грантлар» счёти ва 8820 «Субсидиялар» счёти билан кенгайтирилган ва деталлаштирилган ҳамда 8830 «Аъзолик бадаллари» счёти, 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счёти ва бошқа счётлар киритилган. Мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағлар суммасини ҳисобга олиш 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётида амалга оширилади.

Счетлар режасининг янги таҳририда хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларда ҳам ўзгариш юз берган. Шундай қилиб, агар Счетлар режасининг эски таҳририда устав, қўшилган ва резерв капиталини ҳисобга олиш учун битта 8500 счётлар гуруҳи мўлжалланган бўлса, янги таҳририда улар алоҳида счётлар гуруҳларига ажратилган: устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар», 8330 «Пай ва улушлар»), қўшилган капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8410 «Эмиссия даромади» ва 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи»), резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар», 8520 «Резерв капитал» ва и 8530 «Текинга олинган мулк») счётлари ажратилган.

Балансдан ташқари счётлар қисмида 011 «Суда шартномаси бўйича олинган мулк», 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар», 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)», 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётлари киритилган.

21-сон БҲМС қабул қилиниши ва кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган*) билан молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланган. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, аудиторлик ташкилотлари ва биржалар учун 2003 йил 4 февралдан, суғурта ташкилотлари ва банклардан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа корхоналар учун эса 2004 йил 1 январдан кучга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 апрелдаги ПҚ-618-сонли қарори билан тасдиқланган «2007-2010 йилларда

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури» да «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»ни ва «Суғурталовчилар молиявий ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш Қоидалари»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича алоҳида тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур Дастурни бажариш бўйича ва суғурта фаолиятини ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 22 майда 1813-сон билан рўйхатга олинган*)ни ва «Суғурталовчилар молиявий ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш Қоидалари» (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 20 апрелда 1945-сон билан рўйхатга олинган*) ни ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

2007 йил 1 январдан даромад (фойда) солиғи тўловчи юридик шахслар солиқни фойдadan тўлайдиган бўлди ва шу муносабат билан мазкур солиқ юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини (*2008 йил 1 январда кучга киритилган*) ва 6-сон БҲМС «Ижара ҳисоби» (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган*)ни янги таҳрирда қабул қилиниши билан ижара молиявий ижара (лизинг қўшилган ҳолда) ва оператив ижарага бўлинди.

Юқорида қайд этилганлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 18 апрелдаги 46-сонли буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 майда 1181-2-сон билан рўйхатга олинган*) билан 21-сон БҲМСга «юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи», «молиявий ижара», «оператив ижара» атамаларини мувофиқлаштириш ва айрим таҳририй тўғрилашлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини янги таҳрирда қабул қилиниши ва қонунчиликдаги ўзгаришлар муносабати, шунингдек бухгалтерия ҳисобини янги объектларини юзага келиши ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 28 апрелдаги 47-сонли буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 30 майда 1181-3-сон билан рўйхатга олинган*) билан 21-сон БҲМСга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мазкур буйруғи билан қуйида келтирилган асосий ўзгартиришлар амалга оширилган.

21-сон БҲМСда устав капиталининг оширилиши муносабати билан таъсис ҳужжатлари-

га ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар таъсисчиларни киритилган улушларини ҳисобга олиш тартиби назарда тутилмаган. Лекин «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида Низом» (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатга олинган*) га мувофиқ, агар чет эл валютасида акс эттирилган устав капиталининг оширилиши муносабати билан улушлар киритиш қонунчилиқка мувофиқ таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар амалга оширилган бўлса, бухгалтерия ҳисобида ушбу ҳўжалик операцияси таъсисчиларга қарзларни ҳисобга олувчи сўётлар (6600)нинг кредитида активларни ҳисобга олувчи сўётлар билан боғлиқлиқда акс эттирилиши назарда тутилган. тутилган. Бироқ, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар таъсисчиларни киритилган улушларини таъсисчиларга қарзларни ҳисобга олувчи сўётлар (6600) гуруҳининг таркибида ҳисобга олиш учун ўзининг иқтисодий мазмунига мос келадиган алоҳида сўёт мавжуд бўлмаган.

Шу муносабат билан таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар таъсисчиларни киритилган улушлари бўйича уларни олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун алоҳида 6630 «Устав капиталини қўпайтриш бўйича таъсисчилар улушлари» сўети киритилган ва мазкур сўётдан фойдаланиш тартиби батафсил ёритиб берилган.

Биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома (оддий ширкат шартномаси) бу тижорат амалиётида фойдаланиладиган кенг қўламли шартнома ҳисобланади. Бу ширкатларни ташкил этиш жараёнларни соддалиги билан ҳамда солиқ солишда мавжуд бир қатор устунликлари билан ўзини оқлайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 962-моддасига мувофиқ, оддий ширкат шартномаси (биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргалиқда иш қилиш мажбуриятини оладилар. Агар оддий ширкат шартномаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган бўлса, у ҳолда бундай шартномани тарафлари фақат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари бўлишлари мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мол-мулкни биргалиқдаги фаолиятга қўшилган ҳисса тарзида берилишида мол-мулкни сотиш факти, яъни мол-мулкга эгалик ҳуқуқи оддий ширкат иштирокчисидан ишонч билдирилган шахсга ўтиш факти юзага келмайди. Шу муносабат биргалиқ-

даги фаолиятда ишонч билдирилган шахсида оддий ширкат (биргалиқдаги фаолият) шартномаси иштирокчиларига тегишли бўлган ва биргалиқдаги фаолиятни амалга ошириш учун олинган мол-мулкни мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун алоҳида *балансдан ташқари 015 «Оддий ширкат (биргалиқдаги фаолият) шартномаси бўйича олинган мол-мулк» сўети* киритилган ва мазкур сўётдан фойдаланиш тартиби батафсил ёритиб берилган.

Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш ёки олиш билан боғлиқ операциялар ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчи ўртасида тузилган, корхонага номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ тузилган шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Фойдаланишга олинган номоддий активлар фойдаланувчи корхона томонидан шартномада қабул қилинган баҳода балансдан ташқари сўётда ҳисобга олинади.

Сўётлар режасида тақдим этилган номоддий активлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун даврий тўловлар ва қатъий бир марталик тўлов кўринишида амалга ошириладиган тўловларни фойдаланувчи корхона томонидан ҳисобга олиш тартиби назарда тутилган. Бироқ, вақтинчалик фойдаланишга олинган номоддий активларни ҳисобга олиш учун ўзининг иқтисодий мазмунига мос келадиган алоҳида балансдан ташқари сўёт мавжуд бўлмаган. Шу муносабат билан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активларни ҳисобга олиш учун алоҳида *балансдан ташқари 016 «Фойдаланиш ҳуқуқи бўйича олинган номоддий активлар» сўети* киритилган ва мазкур сўётдан фойдаланиш тартиби батафсил ёритиб берилган.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини янги таҳрирда қабул қилиниши, бухгалтерия ҳисобини янги объектларини юзага келиши, миллий иқтисодиётда бозор ислоҳотларни чуқурлашиши муносабати билан ва ўзгариб турадиган ҳалқаро ҳисобга олиш амалиёти таъсирида, шунингдек қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда амалда бўлган Сўётлар режаси янада такомиллаштиришни талаб этади. Шундай қилиб, Сўётлар режасини янада такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида унга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларни бажариш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сўётлар (0800) гуруҳи таркибида 0835 «Тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатлар» сўетини киритиш лозим. Бунда, агар улар бўйича нати-

жалар активни номоддий актив сифатида тан олиш мезонларини қаноатлантирса тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларни бажариш бўйича харажатлар суммаси номоддий активлар таркибига ўтказилади, агар қаноатлантирмаса давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади;

- 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)», 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар», 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар», 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича харажатлар» счёта-рини номларини тегишли равишда 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)», 6240 «Солиқлар ва йиғимлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар», 7240 «Солиқлар ва йиғимлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар», 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти тахрирда баён этиш лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ “солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар” атамаси “солиқлар ва йиғимлар” га ўзгартирилди;

- мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500) гуруҳи ва суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) гуруҳини чиқариб ташлаш керак. Чунки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бекор қилинган. Бундан ташқари суғурта ташкилотини корхонанинг мулки ва ходимлар ҳаёти билан боғлиқ хавфни суғурталаш бўйича кўрсатадиган хизматлари тижорат ташкилотлар бошқа ташкилотларга кўрсатадиган хизматларининг бир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, суғурта ташкилотлари корхонанинг мулки ва ходимларини суғурталашни пул тўланиши билан ёки пул тўланган қисмига тегишли қисми бўйича амалга оширади. Шунинг учун корхоналарда мулки ва ходимларни суғурталаш бўйича қарздорлик юзага келиши мумкин эмас;

- бир-бирини такрорловчи келугуси давр харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3100) гуруҳи ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3200) гуруҳи ўрнига биттасини, яъни кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3100) гуруҳини қолдириш ва унда қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим: 3110 «Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи», 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи», 3130 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи», 3140 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар», 3190 «Бошқа кечиктирилган харажатлар».

Чунки, кўп мамлакатларни бухгалтерия ҳисоби амалиётида «келгуси давр харажатлари» ва «кечиктирилган харажатлар» атамалари одатда бир хил маънода талқин қилинади;

- чиқариб ташланган мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) гуруҳи ўрнига қонунга биноан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан ушбу суммани тегишинча чегирган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счётларига ушланган мажбурий бадаллар суммалари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган 6530 «Шахсий жамғариб бориладиган счётларга тўловлар» счётини киритиш лозим. Чунки, «Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатга олинган*)нинг 11-бандига мувофиқ, қонунга биноан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан ушбу суммани тегишинча чегирган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счётларига ушланган мажбурий бадаллар суммалари бухгалтерия ҳисобида очилаётган 6530 «Шахсий жамғариб бориладиган счётларга тўловлар» счёти кредити бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш (турлари бўйича) счёти (6400) билан боғланган ҳолда акс эттирилиши назарда тутилган.

Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқномага юқорида санаб ўтилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, шунингдек янги Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни бошқарув қарорларини, шунингдек ишбилармонлик бўйича қарорларни қабул қилиш учун ахборотлар билан таъминлашда бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрнини салмоқли равишда кўтаради.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “*Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги қарори билан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – МҲХС) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши белгилаб ўтил-

ди. Бунда, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (кейинги ўринларда – БҲМС) бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилди.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш вазифаси юклатилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида *концептуал асос ва 22 БҲМС* мавжуд. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»* шулар жумласига киради.

Шу муносабат билан юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир корхона МҲХС мос келадиган ишчи Счётлар режасини ишлаб чиқиши лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган сифатида *«Бухгалтерия ҳисоби ишчи Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича*

Йўриқнома» ни ишлаб чиқиш бўйича тавсия шаклидаги услубий қўлланма яратилиши лозим. Бундай услубий қўлланмани яратилиши тармоқларда молиявий ҳисобот маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имкониятларни кенгайтиради.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда амалда бўлган Счётлар режасига ва молиявий ҳисобот шакллари бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан мувофиқлигини, молиявий кўрсаткичларнинг хорижий мамлакатларда қўлланадиган айнан шундай кўрсаткичлар билан таққосланишини таъминлайди, ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан тушунилишидаги фарқларни тугатади, республикада бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончилигини халқаро миқёсда тан олинishi корхоналарининг молиявий ҳисоботига ишончни таъминлайди ва Республикага хорижий инвестицияларни жалб этишга имкон яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.*
2. *Приказ Министерство финансов СССР от 1 ноября 1991 г. № 56 “Об утверждении плана счетов бухгалтерского учета финансово - хозяйственной деятельности предприятий и инструкции по его применению.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1992 йил 13 августдаги 08-03-21/377-сонли хати.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби счётлари тизимини такомиллаштириш ҳақида» даги қарори.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисобга олиш ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури».*
6. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом».*
7. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).*
8. *Михалкевич А. П. Бухгалтерский учет в зарубежных странах: учебное пособие. Мн.: ООО «Мисанта», ООО «ФУАинформ», 2003.*
9. *Жарикова, Л. А., Наумова Н. В. Бухгалтерский учет в зарубежных странах: учебное пособие – Тамбов: Тамбовский государственный технический университет, 2008.*
10. *Кругляк З.И., Пилюк Р.А. Современные тенденции развития Плана счетов в Российской Федерации, Научный журнал КубГАУ, №99(05), 2014 года Кубанский государственный аграрный университет, Краснодар, Россия.*
11. *Петенева Е. План счетов МСФО: отличия от национальных стандартов и пример составления <https://finacademy.net/materials/article/plan-schetov-msfo-otlichiya-ot-natsionalnykh-standartov-i-primer-sostavleniya>*
12. *Соколов Я. В. История бухгалтерского учета: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2004.*
13. *“История развития бухгалтерского учета: современный аспект” Кафедра «Бухгалтерский учет и аудит» Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта.*
14. *Хайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг Счётлар режасини шаклланиши ва такомиллашиши тарихи – Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш журнал 2018 йил 8-сон.*
15. *Янги счётлар режаси ва унинг тавсифи, <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/iqtisodiyot/yangi-schetlar-rezhasi-va-uning-tavsifi> Загружено в: 20.09.2019 г.*